

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси”
фанидан маърузалар

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Магистратура мутахассисликлари барча талабалари учун

Тақризчилар: п.ф.д., проф. Тохтаходжаева М.Х.

МУНДА РИЖ А

1-маъруза

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари

2-маъруза

Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик тамойиллири

3-маъруза

Мутахассислик фанларини ўқитиш тамойиллари

4-маъруза

Мутахассислик фанларидан дарсларни тақвимий режалаштириш

5-маъруза

Ўқув-юкламалари, ўқув-методикасини, илмий ва тарбиявий ишларни режалаштириш

6-маъруза

Мутахассислик фанларини ўқитиш методлари ва ташкилий шакллари

7-маъруза

Мутахассислик фанларини ўқитиш соҳасида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш

8-маъруза

Мутахассислик фанларидан муаммоли дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш

1-МАЪРУЗА : МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари
2. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари
3. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1995 йил феврал ойидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида “Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқоралар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади” деб таъкидлаб ўтганлар.

Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида муҳокама этилиб, қабул қилинган, ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор бўлган қонунлар - «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни изчил амалга ошириш жараёнида Кадрлар тайёрлаш миллий модели шакллантирилди. Унинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеймолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим - малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жихатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Мазкур миллий моделнинг асосий элементларидан бири бўлган узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир.

Олий таълим ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга.

Бакалаврият – таълим йўналиши буйича фундаментал ва амалий билим берадиган, ўқиш муддати камида турт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб буйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизига камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистрлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан “магистр” академик даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Шунингдек фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақли эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги даалат сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойил қўйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг йўналиши: академий лицей ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўсиб келаётган ёш авлодда интеллектуал кобилиятлар ва касбий билимларни ривожлантиришни кўзда тутди. Бундай келиб чиққан ҳолда

мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг мақсади бўлажак мутахассисларнинг ихтисослик фанларидан таълим бериш методикаси, олий таълим тизимида ўқитиш шакллари ҳамда ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот технологияларига оид билим ва кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фани “Педагогика” фанининг тармоғи сифатида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга қаратилади:

- Касбий таълим вазифаларини асослаш, унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини очиқ бериш;
- Ўқув материали мазмунини асослаш;
- Олий таълим тизимида таълим жараёнини ташкил этиш;
- Бўлажак мутахассисларда касбий билимларни шакллантиришнинг педагогик ва ахборот технологиясини асослаш.

Мазкур фан мутахассислик фанларини ўқитиш методларига баҳишланган бўлиб, у магистрант талабаларга танланган соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашга оид чуқур назарий билимлар беришга йўналтирилган. Шу билан биргаликда фаннинг мазмунида ўқитиш усулларига оид умумий маълумотлар, таълим жараёнининг ташкилий-педагогик шароитларига ҳам эътибор қаратилган.

Магистр ўзининг касбий фаолиятида илмий тажриба ва ишлаб чиқаришни бошқаришга оид билим ва кўникмаларни тўдақонли ўзлаштирган бўлиши билан бирга илмий-педагогик изланишлар олиб бориш қобилиятларига ҳам эга бўлиши лозим.

Магистр илмий-педагогик йўналишда иш олиб бориши учун педагогика, психология фанларини ва мутахассислик фанларини ўқиштириш методикасини билиши зарур.

Магистр илмий-педагогик ижодиёт методологиясини, ўқитувчи касбига оид педагогик ва коммуникатив қобилиятларни, педагогик технология ва

педагогик маҳоратни, ишчи ўқув дастури ва ўқув режалари тузишни, фан юўйича талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини билиши лозим.

Мутассилик фанларини ўқитиш методикаси фанини ўзлаштирган талаба:

- ўқитишнинг дидактик қонунлари ва тамойилларини, таълим-тарбия беришнинг назарияси ва амалиётини. ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, таълим жараёнини ташкил этишнинг турли усул ва шакллари, жумладан маъруза ўқишни. амалий машғулотларни ўтказишни, талабалар мустақил билим олишларини ташкил этишни, малакавий битирув ишларига раҳбарлик қилишни, таълим жараёнида ўқитишнинг техник воситалари ва ахборот технологияларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанини ўрганиш жараёнида муаммоли маърузалар ўтказиш, интерфаол методлар, педагогик стратегиялардан фойдаланилади.

Таянч сўз ва иборалир: кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кадрлар тайёрлаш миллий модели, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, узлуксиз таълим, бакалаврият, магистратура, ўқитиш методикаси, ўқитиш шакллари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмун-моҳияти.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг компонентлари
3. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари
4. Олий таълимни амалга ошириш босқичлари
5. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанининг асосий вазифалари

6. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси фанини ўзлаштирган талаба қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак?

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. “Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», Т. Ўзбекистон, 1997 й., 63 бет.
4. Жалолиддинов М. Рузиқлов. Янги турдаги ўқув муассасалар тугрисидаги ҳужжатлар. Самарканд. 1995 й.
5. Янги турдаги ўқув муассасалари тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистан Республикаси халқ таълими вазирлиги. 1994й.
6. Турсунов И.И.. Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи, 1997.- 232б.
7. Фарберман Б.Л. Составление педагогических тестов. - Т.; ТАДИ. 1993. -80с.
8. Шарипов Ш.С. Миллий таълим тизимини шакллантиришда дастурлаштирилган таълим имкониятлари. РР «Таълим муаммолари» журнали, № 3, 1999. -с.22-24.

2-МАЪРУЗА : МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ Ўқитишнинг ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

1. Дидактиканинг предмети ва вазифалари
2. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси
3. Дидактиканинг асосий категориялари
4. Таълим қонуниятлари

Дидактиканинг предмети - таълим муассасаси шароитида ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошириладиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади. Турли типдаги таълим муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигани ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Дидактика - педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир.

Дидактика юнонча "дидактикос" сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўқитиш, ўрганиш маъносини билдиради. Яқин ва Ўрта Шарқда Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём каби мутафаккирлар илмий дидактика асосчиларидирлар. Амос Коменский, швейцариялик педагог И.Г.Песталоцци, немис педагоги А. Дистервеглар Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино. Умар Хайём, Тусий ва уларнинг издошлари қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборат эдики, мазкур олимлар доимо предметнинг қиёфаси инсон онгида мавҳумлашуви жараёнига, мана шу предметнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушуниш содир бўлиши ҳамда шаклланишига эътибор берганлар. Улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб

топишига, билиш фаоляти билан амалий фаолят ўртасидаги муносабатларга қизикқанлар.

Хоразмий шахснинг узлуксиз камол топиши назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, индуктив ва дедуктив тафаккурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди.

Фаробий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаоляти билан боғлиқлик

фояли ариқи илгари сурган. Олим ўқитишнинг тажриба- кўрсатмали, индуктив ва дедуктив, амалий методларига алоҳида эътибор берган. Барча методларни ўқувчининг ҳаётий тажрибасига, мантикий тафаккурига таянган ҳолда бирлаштирган. Фаробий математика фани мисоллари асосида ўқитишнинг илмий кўрсатмалилик, тушунарлилик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллариининг моҳиятини ёритган. Унинг фикрича ана шу жараёнлар қонунлар сифатида шаклланади ва уларга риоя қилиш фикрлашни такомиллаштиради ҳамда мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдин олади.

Фаробий билиш фаолятини ташкил этиш масалалари бўйича ҳам анчагина муфассал тавсияларни ишлаб чиққан. Унинг ёзишича, яхши назариётчи бўлиш учун назария қайси фанга тааллуқли бўлсада, қуйидаги учта шартга риоя қилиш шарт:

1. Мазкур фан асосидаги ҳамма принципларни тўлиқ билиш;
2. Мана шу принциплардан ва мазкур фанга доир маълумотлардан тегишли хулосалар чиқара билиш;
3. Нотўғри назарияни рад эта билиш ва ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш, хатоларни тўғрилаш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила билиш.

Ибн Синонинг билим орқали эришиладиган натижалар ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташки кўринишини таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади.

Абдулла Авлоний ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлашлаштирилади ва у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Хусусан, у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиққан. Гарчи Авлоний таълим билан тарбия ўртасида озгина фарқ борлигини айтган бўлса ҳам, улар тана ва жон каби бир-бирига чамбарчас боғлиқдир дейди.

Дидактика тушунчасини Я. Коменский ҳам ана шу йўсинда шарҳлаган. Унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари 1657 йилда нашр этилган "Ҳаммага ҳамма нарсани ўргатишнинг универсал санъати ифодаланган буюк дидактика" номли асарида баён қилинган. Лекин Коменский дидактика фақат ўқитиш санъатидангина эмас, балки тарбиялаш санъатидан ўам иборатлигини қайд қилган ва тарбия ҳар томонлама ахлоқийлик йуналишидаги феъл-атвори шакллантиришнинг зарур шarti эканлигини ҳам уқтирган.

Дидактикани юқоридагича тушуниш XIX аср бошигача, яъни таниқли немис педагоги ва файласуфи Иоганн Генрих Гербарт дидактиканинг асосий назариясини ишлаб чиққунича давом этган. Бинобарин дидактикани педагогикага бўйсинадиган тарбияловчи таълимнинг яхлит ва зиддиятсиз назарияси сифатида талқин этади.

Гербарт ва хусусан унинг издошлари ана шу назариянинг ролини ҳисобга олиб дидактиканинг асосий вазифасини - дарсда баён қилинадиган материал эканлигини рад этдилар. Гербарт концепциясига мувофиқ ўқитувчи асосан ўқувчиларни янги ўқув материални ўзлаштиришга доир ҳаракатларини таҳлил қилиши лозим эди.

Бугунги кунда фан ва техника шундай тезликда тараккий топмокдаки, мактаб таълими билан уларнинг кетидан кувиб етиш мумкин эмас. Лекин мактабни битирган ёшлар албатта ўзлари билмайдиган илмий кашфиётларга, жамиятни ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига асосланган янги тизимга дуч келадилар. Лозим даражадаги ақлга, иродага ва хиссиётга эга бўлган кишиларгина нотаниш маълумотларни тезроқ ўзлаштириб олиши мумкин.

Ўқувчиларни камол топтиришда оптимал натижалар берадиган ўқитиш жараёнининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Ўқувчиларнинг камол топиши таълим жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижаларни беради. Лекин вазифа қандайдир натижаларга эришишдан эмас, балки ўқувчиларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса, ўқув жараёнининг қурилишини ишлаб чиқиш керак. Дидактикада тарбияловчи дунёқарашни шакллантириш масалалари кўрилади, таълим жараёнида ўқувчиларда мустақилликни, ташаббускорликни ва шахснинг бошқа айрим сифатларни тарбиялаш вазифалари таҳлил қилинади. Мана шундай муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши таълим жараёнида таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Таълим жараёнида дидактик принциплар муаммоси жаҳон педагогларининг ҳамма даврларда диққат эътиборида бўлган. Бу борада мутахассислар эришган ютуқлар билан бирга, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирга қадар таълим принциплари тизимининг илмий асослари мукамал ишлаб чиқилмаган. Таълим принциплари бошқа дидактик категориялар каби, педагогика фанининг замонавий ривожланиш даражаси ва ёш авлодни тарбиялаш сифати талабларига кўра аниқлаштирилишига муҳтожлиги сезилмокда. Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим принциплари ижтимоий ҳаёт ўзгариши, педагогика фанининг ривожланиши билан ўзгариб туради. Айрим дидактик принциплар ўрнига. янги дидактик принциплар келади. Таҳлиллар

шуни кўрсатадики, ҳар бир таълим принциплари у ёки бу мутахассис олим томонидан таълим принциплари қаторига киритилган. Масалан, А.Коменский томонидан таълимда табиий мослик, кўргазмалилик, таълимда кетма-кетликлар, К.В.Елницкий томонидан таълимда онглилик, Скворцова томонидан таълимда якка ҳолда ўқитиш принципи, И.А.Лашкарёва томонидан таълимда предмстлараро алоқадорлик, С.М.Михайлов томонидан таълимда тарихийлик, М.И.Махмутов томонидан таълимда муаммолилики принципи, В.Окань томонидан таълимда самарадорлик, Ю.К.Бабанский томонидан таълимда оптималлаштириш, С.МРиверс томонидан таълимда фаоллик, мослик, Е.Н.Мединский томонидан таълимда ўқитувчининг роли, С.Ражабов томонидан таълим ва тарбия бирлиги. И.Т.Огородников томонидан илмийлик, М. А. Данила в томонидан ғоявийлик, тарихийлик принциплари таклиф этилган.

А. Коменскийнинг дидакгак таълимотини таҳлил қиладиган бўлсак, у қуйидаги дидактик принциплар тизимиға навбатдаги принципларни киритган:

- таълимда онглилик ва фаоллик;
- таълимда системалилик;
- таълимда табиий мослик;
- таълимда пухта ўқитиш;
- таълимда кетма-кетлик;
- ўқитишда кургазмалилик;
- ўқитишда таклид қилиш.

XX асрнинг 20-йилларида рус педагог назариячилари Ш.И.Гонелин, А.П.Пинкевичлар ўз асарларида дидактик принциплар ахамияти ва уларнинг турлари, дидактик принциплар тизими борасида ўз фикрларини билдирганлар.

А.П.Пинкевич яратган дидактик принциплари тизимида қуйидаги принциплар ўрин олган:

- таълимнинг ҳаёт билан боғликлиги;

- ўқув жараёнининг ижодий тусда бўлиши;
- таълимда мустақиллик

XX асрнинг 30-йилларда педагогика фани назариячилари ва амалиётчилари олдида асосий вазифа - ўқувчиларни фан асосларидан билимларни пухта эгаллашини таъминлаш вазифаси турган.

Шунга асосланиб Е.М.Мединский қуйидаги таълим принциплари мажмуасини илгари сурган:

- таълимда тизимлилик;
- таълимда онглилик;
- таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг тарбияловчилиги;
- таълимда ўқитувчининг етакчилик роли;
- таълимда техника принципи.

Н.Г.Казанский таълимда онглилик, кўрсатмалилик, кетма-кетлик принциплари аҳамиятини ёритиб берган. Бошқалардан фарқли ўлароқ, С.М.Михайлов қуйидаги таълим принциплари тизимини таълим жараёнининг асосий дидактик принциплари деб таъкидлаган:

- таълимда кўргазмалилик принципи;
- таълимда тарихийлик принципи;
- таълимда ўрганиш принципи;
- ўрганилаётган объектни бошқа объектлар билан алоқасини ўрнатиш принципи;
- объектлар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш принципи

Республикамизда фаолият кўрсатган ва кўрсатиб келаётган дидакшунос олимлар С.Ражабов, А.Мунавваров, И.Турсунов, О.Розиқрвлар таҳрири остида чоп этилган дарслик ва методик қўлланмаларда қуйидаги таълим принциплари асосийдир деб таъкидланади:

- Таълимда илмийлик принципи,
- таълим ва тарбиянинг алоқадорлиги принципи,

- таълимда тизимлилик принципи,
- кўргазмалилик, таълимда мослик, назарияни амалиёт билан боғлиқлиги принципи,
- таълимда пухта ўзлаштириш принципи,
- онглилик принципи,
- фаоллик ва таълимда якка ҳолда ўқитиш принципи.

Дидактиканинг асосий категориялари

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва фактларнинг катта захирасига эга бўлиб, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган ва тартибга солинган.

Ўқитиш жараёнининг структуравий компонентлари - мақсадли рағбатлантириш-мотивлаштириш, мазмуний ҳаракат-фаолият, ўқитишнинг шакл ва мистодларидан ажратилиши алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу компонентларнинг ажратилгани ўқитувчи¹ билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти қонуниятларининг табиатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Педагогик ечимларни танлаш назарияси ишлаб чиқишнинг методологик асоси - ўқитиш жараёнининг мавжуд барча қонуниятларини ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини албатта комплекс ҳолда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри хал қилиш мумкин.

Педагогик ва психологик шарт-шароитларини аниклаш асосида ўқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборатдир:

- Ўқитиш оптимал бўлиши учун ҳар бир ўқувчи ўзининг ҳақиқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши, тарбияланиши ва камол топиши шарт;

- Ўқитиш оптимал бўлиши учун ўқувчилар ва ўқитувчилар дарсдаги ва уйдаги ишлар вақтининг ўзлари учун гигиеник жihatдан белгиланган нормасига эга бўлиши керак.

Ишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг муваффақиятли ҳал қилиниши таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш;
- ўқитишнинг қўйилган вазифаларини белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилиниши таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш;
- масалаларни муваффақиятли ҳал қилиниши, шу жумладан ўқувчиларга табақли ёндашишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жихатлари, масалан, таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли-камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари; ўқувчилар ўқув-билим фаолиятининг методлари; ўқув материални ташкил қилиш ва тизимга солиш ва бошқалар жадал ўрганилмокда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги муҳим қоидалар талқин этилган:

- Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлар, жумладан: табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, ҳулки ва ҳаёти ифодаланиши лозим;
- Таълимнинг мазмуни умумий, политехник ва касбкор компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;
- Таълимнинг мазмуни муайян ёшга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади.

Таълим ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимни

компьютерлаштириш масаласи ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларни замонавий компьютер техникасидан фойдаланишга доир билим ва малакалар билан қуроллан тириш, ўқув жараёнида компьютерларнинг кенг қўллаишини таъминлаш жамиятда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Педагогика фани таълим муассасаларининг юмпьютерлардан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиши ва умумлаштириши, ялпи компьютерлик саводхонлигига жавоб берадиган ягона дастурлаштирилган умумтаълимий курсини яратиш; дастурлашни ўргатиш бошланадиган муддатни ва курснинг ҳажмини белгилаши, таълим муассасаларида ўрганиладиган алгоритм тилини танлаши, таълимни компьютер базасидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиши ва бошқа вазифаларни амалга ошириши керак.

Таълим назариясидан муаммоли-камол топтирувчи ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллариини излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли-камол топтирувчи ўқитишнинг назарияда ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш-гипотезани олға суриш-гипотезани асослаш - гипотезани ҳал қилиш-уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур звеноларни ўз ичиги олган муаммоли ўқитиш;
- Ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчилик йўсинидаги кўникма ва малакаларни ўстириш ғояси.

Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланадн ва этепериментал йўл билан асосландики, улардан муаммоли дарё ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақозо этиши, ўқувчиларнинг

тайёрлиги даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш назарияси муаммоли - камол топтирувчи ўқитиш назариясига жуда яқиндир.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллашнинг (муамоли ва репродуктив) усулларни ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқарадиган фаолликдан иборатдир.

Юқорида айтилганидек дидактика "ўқитиш" ва "ўқиш" каби бошқа тушунчалар билан ўзаро боғлиқ таълим назариясидир. Ўқиш мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида ўқувчилар маълум билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирадиган, ўқиш ўқувчининг фаоллиги натижасида ривожланади, характер касб этади, у турли шаклларда амалга оширилиши мумкин, билишга таянади ҳамда индивидуал тажрибага шахснинг ҳулкида ўзгаришни вужудга келтиради.

Таълим жараёни мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Расмийлашган тизим сифатидаги таълим назарияси умуман ана шу жараённи, унинг таркибий қисмларини ва уларнинг компонентларини ёритади, тушунчалар, мазмун ёрдамида ана шу яхлит жараённинг мавжудлиги сабабини ёки усулларини баён қилади.

"Ўқув жараёни" тушунчаси таълимнинг барча компонентларини ўқитиш ва унда фойдаланиладиган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг методларини ҳам, уйда мустақил ишлайдиган ўқувчини ҳам, ўқув жараёнини кўргазмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ўз ичига олади.

Шунинг натижасида таълимнинг қуйидаги қонуниятлари ёритилади:

- Таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;

- Таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқдир;

- Таълим қонуний равишда таълим олувчиларнинг ҳақиқий ўқув имкониятларига боғлиқдир;

- Таълим қонуний равишда ўзи амалга ошириладиган ташқи шароитларига боғлиқдир;

- Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнларида қонуний равишда ўзаро боғлиқдир;

- Ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмунига боғлиқдир;

- Таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва методларига боғлиқдир;

- тегишли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентларининг қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта англаниши ва амалий натижаларни таъминлайди.

Таълим қонуниятларини педагогиканинг умумий асосларида ифодаланган қонуниятлар билан ўзаро таққосласак, улар ўртасидаги боғланиш яққол кўринади. Таълимнинг қатор қонуниятлари мантиқан педагогик жараёнларнинг умумий қонуниятларидан келиб чиқади. Таълим принциплари билан қонуниятлари ҳам ўзаро боғлиқдир.

Таянч сўз ва иборалар: дидактика, ўқитиш назарияси, ўқитиш методлари, ўқитиш тамойиллари, онглилик, фаоллик, табиий мослик, пухта ўқитиш, тақлид қилиш, кўргазмалилик, педагогик ечим, таълим мазмуни.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. “Дидактика” тушунчасининг маъноси
2. Ўзбек алломалари томонидан ишлаб чиқилган ўқитиш методлари таснифининг моҳияти

3. Мутахассис олимлар томонидан киритилган таълим принциплари
4. А. Коменскийнинг дидактик таълимоти
5. Дидакшунос олимлар С. Ражабов, А. Мунаваров, И. Турсунов, О. Розиковларнинг томонидан асосий деб эътироф этилган таълим принциплари
6. Ўқитишнинг оптималлик мезонлари
7. Таълим мазмунига қўйиладиган муҳим қоидалар

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика. Маърузалар матни. Тошкент. 2000. 163 б.
2. Б.Т. Лихачев. Педагогика. Курс лекций / Учебное пособие для студентов педагог. Учеб. Заведений и слушателей ИПК и ФПК. – 4-е изд. перераб. и доп. – М. Юрайт, 2000 – 523 с.
3. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси Т.: Ўқитувчи . 1992.
4. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. Педагогика. 100 экзаменационных ответов. Экспресс-справочник для студентов вузов. – Ростов н/Д: издательский центр «МарТ», 2002 – 256 с.
5. Педагогика: Учеб./И.Ф. Харламов. – 7-е изд. – Мн.: Университетское, 2002. – 560 с.
6. У. Толипов, М. Баракаев, Ш. Шарипов Касбий педагогика -Т. 2001й.

3- МАЪРУЗА: МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа:

1. Ўқитиш тамойиллари мажмуи:

- Фаоллик тамойили
- Назариянинг ўқитиш амалиёти билан боғлиқлиги тамойили
- Ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили
- Намуналардан фойдаланиш тамойили
- Дидактик редукция тамойили ва бошқалар.

Ўқитиш тамойиллари ўқитиш назариясининг бошланғич қоидалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиши керак.

Ўқитиш тамойиллари мажмуи мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- фаоллик тамойили;
- ўқитишда назария билан амалиётни боғлиқлиги тамойили;
- кўргазмалилик тамойили;
- ўқитишнинг тарбияловчи характери тамойили;
- илмийлик тамойили;
- ўқитишда мунтазамлилик ва изчиллик тамойили;
- ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили;
- намуналардан фойдаланиш тамойили;
- ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;
- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухта бўлиши тамойили;
- дидактик редукция тамойили;

Фаоллик тамойили. Ўқувчи ўзи ҳаракат қилган тақдирдагина яхши ўрганади ва ўзлаштиради. Шунинг учун ўқув жараёни шундай ташкил қилиниши керакки, ўқувчи кўпроқ ҳаракат қилсин.

Ўқувчилар ҳар бир дарсга фаол қатнашиши керак, чунки ўқувчи қандайдир иш бажарса, ишни онглироқ равишда ўзлаштиради ва бу билим хотирасида чуқурроқ ўрнашиб қолади. Натижада ўқувчи билимни яхшироқ ва чуқурроқ ўзлаштиради ва эслаб қолади ҳамда унинг қизиқиши ортади. Баъзи бир қобилиятлар, масалан мустақиллик ва ўзи ўрганиши каби қобилиятларга эса фақат шу тарзда эришиш мумкин, холос. Бунинг учун ўқитувчи жуда яхши услубий қобилиятларга ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Назариянинг ўқитиш амалиёти билан боғлиқлиги тамойили. Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганлиги ва ҳаёт билан боғланганлиги сабабли, бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллай билиш ҳам зарур.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимлар бериш жараёнида бошланади. Кейинчалик у тажриба ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба шароитида олинган билимларнинг ишонарли эканлигини текширадилар, уларни мустаҳкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар ҳамда уларда ана шу билимларни амалда қўллаш кўникмалари ва малакалари ҳосил бўлади.

Ишлаб чиқариш таълими ўқувчилар амалий фаолиятининг муҳим босқичидар. Улар эгаллаб олган назарий билимлари асосида, танлаган касбларига доир меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қиладилар. Шу билан бирга назарий билим ҳам тўлдирилиб, аниқлаштирилиб борилади.

Ўқитишнинг кўргазмалилиги тамойили. Ўқитишнинг кўргазмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган

жараёнларни, нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилиш билан боғлиқ муайян ҳиссий амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирадilar ҳамда уларда илмий тасаввур ва тушунчалар ҳосил бўлиши мумкин. Бу тамойил ўқитиш жараёнида турли сезгилардан: кўриш, эшитиш, бадан билан сезиш ва бошқалардан фойдаланишни талаб этади. Ўқувчилар буюмни қанчалик ҳар томонлама идрок қилишса, уларнинг шу буюм ҳақидаги билими ҳам шунчалик тўла ва чуқур бўлади.

Кўргазмалилик тамойили ўқитиш мақсадларига мос бўлиб, материалнинг мазмуни билан белгиланади. Бу материални ўрганиш эса ўқувчиларни чинакам илмий ва ҳаётий муҳим билимлар билан куроллантириши керак. Кўргазмалилик бу билимларни яхшироқ ўзлаштириб олишга ҳамда уларни ҳаёт билан, меҳнат амалиёти билан боғлашга ёрдам беради. Машғулотларда турли хил кўргазмали куролларни қўллаш ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг диққатини сафарбар этади. Шунинг учун кўргазмали воситалар ўқитишнинг ҳамма босқичларида: ўқувчиларнинг янги материални идрок қилишларида, билимларни мустаҳкамлашда, текшириш ҳамда амалий фаолиятда ва ишда қўллашларида, меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилишда татбиқ этилади. Билимларни иложи борича кўргазмали ва реал ҳаётга яқин қилиб татбиқ этиш—бир томондан тилнинг тушунарлилигини ва ўқитиш жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланишни талаб қилса, иккинчидан, у бевосита иш жараёнида ва реал ҳолатда ўқитишни тақозо этади.

Ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили ўрганилаётган материалнинг мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методлари ўқувчиларнинг ёшига, тайёргарлик даражасига, жисмоний кучи ва билиш имкониятларига мос бўлишини талаб этади.

Ўқитишни тушунарли қилиш дегани уни осон қилиш лозимлигини билдирмайди. Ҳаддан ташқари осон материални ўқувчилар ортиқча куч-ғайрат сарфламай ўзлаштириб оладилар. Бундай ўқитиш ўқувчиларнинг

ақлий билиш имкониятларини ривожлантиришга ёрдам бермайди. Ўқитишнинг тушунарлилиги ўқувчи имкониятларининг энг юқори чегараси ва уни аста-секин ошириб бориш билан белгиланади. Таълим жараёнининг боришида ўқувчилар олдига қўйиладиган ўқув ва меҳнат топшириқларини изчиллик билан мураккаблаштириб бориш ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари ва жисмоний кучларини ривожлантиради. Ўқув материалининг мазмуни шундай танланиши ва тузилиши керакки, ўқувчилар уни ўзларининг олдинги билимлари билан боғлай оладиган ва уни тушунишга қийналмайдиган бўлишсин.

Намуналардан фойдаланиш тамойили. Ўқитувчи ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим яхши намуналарни танлашга ҳаракат қилиши керак. Яхши нусха (модел), амалиётдан намунавий мисоллар, яхши ҳамда ёмон маҳсулотлар ҳам кутилган даражадаги натижанинг сифати қандай бўлиши ёки бўлмаслигини аниқ кўрсатади.

Дидактик редукция тамойили. Ўқувчи билимларни юқори даражада ўзлаштириши учун ўқув материали керакли миқдоргача қисқартирилиши лозим. Агар ўқув материалининг ҳажми жуда катта бўлса, ундан айнан касб-хунар бериш вазифаларини бажариш учун керакли қисмлар танлаб олиши зарур. Умумий (комплекс) ва мураккаб топшириқлар доимо дидактик равишда осонлаштирилиши лозим, лекин ўзгармаслиги шарт. Шунинг учун, агар фақат бошланғич билимлар бериш керак бўлса, ўқув материални иложи борича оддийроқ тушунтиришга ва ниҳоятда кўп ва кенг ўқув материали билан ўқувчиларни қийнамасликка ҳаракат қилиш даркор. Тажрибали ўқитувчи мураккаб жараёнларни осон сўзлар билан тушунтира олади.

Илмийлик тамойили. Ўқувчиларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади. Уларни танлаб олишда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари ва кашфиётлардан фойдаланиш керак.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш, тафаккур ривожланади. Ҳар бир дарсда ўқитиладиган ўқув материалининг илмий мазмуни кенг ва чуқур бўлиши ва ўқувчида нафақат билим, балки тафаккур ҳам ҳосил қилиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи ўз илмий савиясини изчил равишда ошириб бориши, замонавий педагогик технологиялар, кашфиётлар ва илмий янгиликлардан хабардор бўлиши лозим. Ўқувчилар ўрганаётган билимлар албатта назарий жиҳатдан тасдиқланган ва амалда синалган бўлиши керак.

Ўқитишнинг тарбияловчи характери. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари бир-бирига узвий боғлиқ бўлади. Ўқитиш билим бериш вазифаларини ҳал қилиш билан бирга ўқувчиларга жуда катта тарбиявий таъсир ҳам кўрсатади. У ўқувчиларнинг билиш имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, уларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги фаоллиги ва мустақиллигини, билимга қизиқишини оширишга ёрдам беради.

Бироқ ўқитиш жараёнидаги тарбия тартибсиз (стихияли) равишда амалга оширилмайди. Унинг мақсади, мазмуни, ғоявий йўналиши ва ўқувчиларга таъсир этиш самарадорлиги бир қатор шартларга боғлиқ бўлиб, улардан асосийлари: ўрганилаётган фаннинг мазмуни, ўқув машғулотларининг ташкил этилиши ва методикаси ҳамда бу машғулотларни ўтказаетган педагогнинг шахсидир.

Ўқув машғулотларининг тўғри ташкил этилиши ва уларни ўтказиш методикаси ўқувчиларга жуда катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Машғулотларда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга доир ишлар ҳар бир ўқувчи билан (индивидуал) ҳам, ўқувчилар гуруҳи билан амалга оширилади.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида тарбиявий йўналишнинг устуворлигини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади.

Тарбия орқалигина инсон ўз шахсини англаб етади. Ўз-ўзини англаган кишигина ўз қобилиятлари ва имкониятини билган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш зарурлигини тушунади.

Ўқитишда мунтазамлилик ва изчилик тамойили ўқитишни шундай ташкил қилишни талаб этадики, бунда ўқув фанларини ўқитиш катъий мантикий тартибда олиб борилади, ўқувчилар билим, кўникма ҳамда малакаларни изчилик билан эгаллаб борадилар ва айни замонда амалий вазифаларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланишни ўрганадилар.

Мунтазамлилик ва изчиллик тамойили ўқув жараёнининг ҳамма бўғинларида амалга оширилади. Унинг талаблари дарсликлар ва дастурларни тузишда ўз аксини топади. Улардаги материал бир қатор дидактик талаблар (фанни ўрганиш мақсади, унинг бошқа ҳамда фаннинг мантиқи билан белгиланадиган система бўйича жойлаштирилади. Ўқув дастурида назарий ва амалий машғулотларнинг бир-бирига узвий боғланиши сақланиши керак. Ҳар бир дарсда ўқув мақсадини аниқ белгилаш ва белгиланган мақсадга мувофиқ келувчи мазмунини таркиб топтириш лозим. Ҳар бир касб фани учун ўқув дастури талабига мос ҳолда даставвал таянч тушунчаларини аниқ белгилаб олиб, уларнинг даражаси ва меъёрини аниқлаш керак. Махсус фанлар ўқитишда қўлланиладиган методларни аниқ белгилаб, яхши самара берувчи усулдан фўйдаланиш, машғулотлар давомида берилаётган билим ва кўникмаларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилаиш даражасини белгиловчи назорат ва текширишнинг турли усуллари ҳамда тестлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг билим савияси ошиб боришига ва ривожланишига қараб предметни баён қилишнинг дидактик тизими фан тизимига тобора яқинлаштириб борилади. Машғулотларни ўтказишда дастурга аниқ риоя қилиш ва ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаши уларнинг билимларни муайян тизим асосида ўзлаштириб олишларига ёрдам беради.

Ўқитишда ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўқувчилар илмий

билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол егаллаб оладиган, уларда ижобий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақил, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Ўқитишдаги онглилик тамойили ўқувчиларнинг ўз ўқув ишларининг аниқ мақсадларини аниқ тушунишларини, ўрганилаётган факт, ходиса, жараёнларни ва улар ўртасидаги боғланишни тушунган ҳолда ўзлаштириб олишларини, олинган билимларни амалий фаолиятда қўллай олишларини билдиради.

Ўқувчиларнинг фаоллиги уларнинг назарий материални эгаллаб олишларида ва синфда, лабораторияда, устахона ҳамда ишлаб чиқариш шароитида ўқув-меҳнат топшириқларини бажаришларида намоён бўлади. Фаоллик ўқувчиларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғлиқ.

Ўқувчиларнинг шахсий, ўзига хос (индивидуал) имкониятларини ҳисобга олиш тамойили. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий (жисмоний, руҳий ва б.) хусусиятларига эгаки, улар унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиш ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир ўқувчининг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Ўқувчининг хусусиятларини бундай ўрганиш узоқ вақт мобайнида олиб борилади. Педагог ўқувчиларнинг дарслардаги ва лаборатория дарсларидаги ишини, уй вазифаларини бажаришни кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва бажарган лаборатория топшириқларини текширади, маслаҳатларда ва дарсдан ташқари вақтларда улар билан суҳбатлашади. Ўқувчининг кучли ва ожиз тамонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг феъл-атвори ва иродасини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, ўқувчиларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, уларнинг коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухталиги тамойили. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълими жараёнида ўқувчилар ўзларининг бўлажак касбий фаолиятлари учун керак бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар. Бундан ташқари аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча асос бўлиб хизмат қилади. Илмий билимларни эгаллаш ўқувчиларнинг хотираси, мантикий тафаккури, хилма-хил фаолият турларидаги ижобий фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам беради. Лекин ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларнинг келгусида илмий билимлар тизимини ўзлаштириб олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Пухталик тамойилининг талаблари шулардан иборат бўлиб, буларга риоя қилмаслик ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслигига, ўқишда орқада қолишга сабаб бўлади. Ўқитиш тамойиллари билан бир қаторда ўқитишнинг асосий қоидалари ҳам бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- тушунарлидан-тушунарсизга;
- яқиндан-узоққа;
- осондан-қийинга;
- аниқдан-мавҳумга;
- умумийдан-хусусийга.

Таянч сўз ва иборалар: фаоллик, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, кўргазмалилик, тарбияловчи характер, илмийлик, мунтазамлилик ва изчиллик, тушунарли бўлиш, намуналардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухта бўлиши, дидактик редукция.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш тамойиллари мажмуи нималардан иборат?

2. Ўқувчининг ўқув жараёнидаги фаоллиги нимада намоён бўлади?
3. Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш қайси жараёндан бошланади?
4. Ўқитишни тушунарли қилиш деганда нимани тушунаси?
5. Дидактик редукция тамойили нимага асослани?
6. Ўқитишда мунтазамлик ва изчиллик деганда нимани тушунаси?

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. У. Толипов, М. Баракаев, Ш. Шарипов Касбий педагогика -Т. 2001й.
2. Қ. Олимов ва бошқалар. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. /Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Т. 2004 й.
3. Р. Мавлонова ва бошқалар. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001 й.
4. Қ.Олимов, Л. Узоқова, Л. Дубровец. Касбий фанларни ўқитишнинг умумий таҳлили ва тузилиши. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Фарғона, 2003 й., - 71 - б.
5. Загвязинский В.И. Методология и методика дидактического исследования. М., 1982.

4-МАЪРУЗА: МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН ДАРСЛАРНИ ТАҚВИМИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа:

1. Дарсни режалаштириш турлари
2. Мутахассислик фанининг алоҳида мавзулари бўйича дарсни режалаштириш қоидалари
3. Дарснинг тақвимий режаси схемасини тузиш

Дарснинг самарадорлиги унинг материал ва методик жиҳатдан тайёргарлик сифати ва режалаштиришига боғлиқ бўлади.

Дарс – яхлит тизим, унинг тузилиш жараёнида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар, мазмун, шакл, услуб ва вазифалари юзага чиқади. Яхлит тизимни тузиш учун ўқитувчи дарсни режалаштириш керак, унга яхши тайёргарлик кўриш керак.

Режалаштириш икки хил бўлади:

- мавзунинг тақвимий режаси;
- дарснинг тақвимий режаси.

Тақвимий режа – биринчи навбатда дарс тизими ва дарсдан ташқари машғулотларда асосий функциялар (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи)ни амалга оширишга оптимал йўлни танлашга хизмат қилади.

Дарснинг тақвимий режаси – мавзунинг тақвимий режасидан фарқ қилади ва унда ҳар бир дарснинг ўқув ва ўқув материали мазмуни аниқ ифодаланди, ўқув материални маълум бир вақт оралиғида ўрганиш тартиби, усуллари кўрсатилади.

Замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асослари билан қуролланган, технологик жараёнлар ҳаракатининг умумий принципларини тушунадиган янги типдаги мутахассисларни шакллантириш фақатгина ўқув предметларининг фанлараро ва мавзулараро алоқадорлигидан фойдаланган тақдирдагина амалга ошади.

Дарснинг тақвимий режасида – дарс режаси ҳар бир мавзу бўйича дарслар тизими қатъий мантиқий кетма-кетликда берилади. Бундай режа ўқитувчига

олдиндан зарурий ўқитиш воситаларини танлаш, предметларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш ва уларни амалга ошириш, ўқув материални баён этишнинг турли методлари ва воситаларини ўзгартириб туриш имконини яратади.

Дарсларни тақвимий режалаштириш дарсни самарали тайёрлаш ва ўтказишда имкон берадиган барча нарсаларни олдиндан назарга олиш имконияти ва зарурлигини таъминлаши лозим.

Ўқитувчида материал тўплаш, дарс ўтказишнинг муваффақиятли усуллари қайд қилиб қўйиш, ўз ишининг натижаларини таҳлил қилиш, илғор педагогик тажрибани умумлаштириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш, ўз фаолиятини такомиллаштириш имконияти вужудга келади. Дарснинг тақвимий режаси узоқ фойдаланадиган ҳужжат ҳисобланади, шунинг учун мунтазам равишда такомиллашиб бориши керак.

Мутахассислик фанининг алоҳида мавзулари бўйича ўқув ишини режалаштириш учун қуйидаги масалаларни пухта, мукаммал ўйлаб кўриш зарур:

- ҳар бир машғулотнинг аниқ мақсади (талабаларда қандай янги тушунчалар, тасаввурлар ва ғояларни шакллантириш керак, талабалар қандай технологиялар, ускуналар ва асбобларни ўзлаштиришлари лозим, талабалар қандай билим ва кўникмаларни яхши ўрганиб олишлари лозим);
- илгари ўрганилган фанлар ҳамда мазкур фан мавзулари ўртасидаги алоқа (талабаларга маълум бўлган материални янги юқори илмий савияда такрорламаслик, балки ундан янги тушунча ва тасаввурлар шакллантириш учун фойдаланиш мақсадида);
- тушунтириладиган янги ўқув материалнинг амалий йўналиши (назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- муайян шароитларда таълим жараёнида таълим беришнинг турли методлари ва усулларидан бирга фойдаланиш;

- кўргазмали куроллар, таълим беришнинг техник ва дастурлаштирилган воситалари ҳамда ўқув машғулотларининг турли босқичларида улардан фойдаланиш методикаси;
- талабаларнинг мустақил ишини рағбатлантириш ва ташкил этиш (мустақил ишларни уйда, махсус лабораторияларда, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиёт устида бажариш, компьютер дастурлари устида ишлаш ва бошқалар);
- ўқув қўлланмалари, тавсия этиладиган адабиётлар.

Бу масалаларнинг барчаси мавзу бўйича дарслар тизимини ўз ичига оловчи дарсларнинг тақвимий схемаси қуйида келтирилган.

Жадвал.

Дарсларнинг тақвимий режаси

Дарснинг тартиб рақами	1	
Дарснинг мавзуси	2	
Дарснинг типи ва тури	3	
Дарснинг мақсади	4	
Ўқитиш методлари ва педагогик технологиялар	5	
Таянч билимларни фаоллаштириш мақсадида материални такрорлаш	6	
Билимларни назорат қилиш ва тескари алоқа турлари	7	
Талабаларнинг билимлари, малакалари ва кўникмаларида режалаштирилаётган ўсишлар	8	
Дарсдаги тарбиявий иш. Материални ҳаёт билан боғлаш. Касбга йўналтириш	9	
Мавзуларнинг фанлараро ва ўзаро	10	

боғлиқлиги		
Дидактик воситалар, ўқитишнинг техник воситалари	11	
Дарсда талабаларнинг мустақил ишлари	12	
Ўтилган материални мустаҳкамлаш	13	
Уйга вазифа (Дарс материални такрорлаш)	14	

Бундай тақвимий режалаштириш дидактик мақсадлар изчиллигини аниқлаш, мазмундаги етакчи ғояларни, фаолиятнинг асосий турларини ажратиш, фанлараро алоқаларни ажратиб олиш, дарснинг асосий жиҳозини ўйлаб чиқиш, натижаларини лойиҳалаш имконини беради.

Таянч сўз ва иборалар: тақвимий режа, дарснинг тақвимий режаси, мантикий кема-кетлик, машғулот мақсади, фанлараро алоқа, таълим беришнинг техник ва дастурлаштирилган воситалари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Мавзунинг тақвимий режаси дарснинг тақвимий режасидан қандай фарқланади?
2. Дарснинг тақвимий режасида қандай мантикий кетма-кетликка амал қилиш талаб этилади?
3. Мутахассислик фанининг алоҳида мавзулари бўйича ўқув ишини режалаштиришда нималарга амал қилиш керак?
4. Дарсларнинг тақвимий схемаси нималарни ўз ичига олади?
5. Дарсларни тақвимий режалаштириш нималарни лойиҳалаш имконини беради?

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Левина Г.Г. Методика преподавания технических дисциплин. – Свердловск: МГМИ, 1986. - 102 с.
2. Сохор А.М. Логическое строение учебного материала. – М, 1974 – 186 с.

3. З.К. Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар . – Т: Фан, 2001. 159 б.
4. ЎМКХТ ривожлантириш институти – “Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш”, экспресс-қўлланма, Тошкент – 2001
5. К.Ж. Мирсаидов. Махсус фанларни ўқиштириш ва ишлаб чиқариш таълими. Т.: Ўқитувчи, 1996.

5-МАЪРУЗА: ЎҚУВ-ЮКЛАМАЛАРИ, ЎҚУВ-МЕТОДИКАСИНИ, ИЛМИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа:

1. Таълим мазмуни
2. Таълим мазмунини танлаш тамойиллари
3. Ўқув режаси
4. Ўқув дастури

Таълимнинг мазмуни. Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, муайян бир таълим муассасасида ўқувчи томонидан ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда бир тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тизимнинг хусусиятлари;
- давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги таълим муассасаси олдига қўядиган мақсад ва вазифалари;
- уқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) зътаборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим муассасаларида бериладиган таълимнинг мазмуни тарихий ҳамда синфий хусусиятга эгадир.

Жамият тарихий тараққиётининг ҳамма боскичларида таълим муассасаларида ёшларга бериладиган таълимнинг мазмуни, ҳажми ўша ижтимоий тизимнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган.

Таълим мазмунини танлаш тамойиллари. Педагогика назариясида таълим мазмунини шакллантиришнинг асосий тамойиллари В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс мувофиқлиги таъминли. Бу таъмин таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни, шунингдек жамият, маданият, шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тутди.

2. Ўқитишнинг мазмун процессуал жиҳатларининг ягоналиги таъминли. Бу таъмин ўқув жараёнининг конкрет хусусиятлари, унинг таъминлари, уларни амалга ошириш технологиялари ва ўзлаштириш даражаси бирлигини акс эттиради.

3. Турли даражадаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги таъминли. Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўқув фанлари, ўқув материаллари, таълим оловчининг шахси каби қисмларнинг мувофиқлаштирилишини тақоза этади.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш таъминли. Бу таъмин шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва қобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шарт-шароит яратишни тақоза этади.

5. Таълим мазмунининг асосланганлиги таъминли. Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, узвийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

6. Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таъмин) маданияти тузилмасига мувофиқлиги таъминли.

Замонавий педагогика фани таълим мазмунининг қуйидаги компонентларини белгилайди:

- шахснинг когнитив таърибаси (бу компонент табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар тизимини ўз ичига олади);
- амалий фаолият таърибаси;
- ижод таърибаси;
- шахс муносабатлари таърибаси.

Ўқув режаси. Ўқув режаси - давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси барча турдаги таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган меъёрий ҳужжатидир. Масалан, бакалавр йўналиши ўқув режасида курслар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари ҳажми кўрсатилган бўлади.

Таълим муассасаларининг ягона ўқув режаси тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси деб ўқитиладиган фанлар, ўқитилиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланилади:

- ўқув режаси ўқув ва тарбия ишларининг мақсад ва вазифаларига асосланади. Мақсад илмий билимлар бериш, олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ўргатишдир;

- таълим муассасаларининг бирлиги ўз қоидаларига асосланади;

- таълим муассасаларида бир бутун тугал билим берилади.

- ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажми қайси курсда ўқитилиши, ажратилган соати, ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига қараб берилади. Фаннинг ҳажми, оғир — енгиллига, дидактик аҳамияти ҳам зътиборга олинади. Ўқув режасига киритилган фанлар, биринчи навбатда, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлик ҳамда Ўзбекистоннинг келажакига муносиб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимлар, ишлаб чиқариш асослари, ва жисмоний тарбия, соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси асосий ўринни эгаллайди.

Техник йўналишдаги олий таълим муассасалари бакалавр ўқув режаси 5та блокдан иборатдир:

I. Гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар

II. Математик ва табиий – илмий фанлар

III. Умумқасбий фанлар

IV. Махсус фанлар

V. Танлов фанлари.

Булардан ташқари ўқув режасида ўқув даври жараёнлари ҳам кўрсатилади, яъни назарий ўқиш ҳафталари, аттестациялар, малакавий амалиётлар, битирув олди амалиёти, якуний давлат аттестациялари, малакавий битирув иши ҳимояси, шунингдек талабаларнинг таътил давлари ҳам кўрсатилади.

Ўқув дастури. Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади.

Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанини ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий —сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган меъёрий ҳужжатдир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси курсда алоҳида фанлар бўйича талабаларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанининг мазмуни изчиллик билан маълум бир кетма-кетликда ёритилиб берилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан талаба ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Ўқув дастури қуйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тузилади:

1. Дастурнинг қатъийлиги. Ўқув дастурлари жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришилган даражани акс эттириши лозим.

2. Ўқув дастурида илмийлик қоидаси. Дастурга борлиқни аниқ, ҳаққоний акс эттирган, илмий жиҳатдан текширилган ишончли материаллар киритилади.

Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши ва уни ишлаб чиқаришда тадбиқ этилишига доир маълумотлар таълим муассасалари ўқув фанларига ўзгартиришлар киритишга олиб келганидек, ўқув дастуридаги айрим эскирган масалалар ўқув фанларидан чиқариб ташланади.

3. Ўқув материали мазмунини тўғри танлаш, ўқув материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантиқий умумлашма ва хулосаларнинг тўғри уйғунлашувига алоҳида эътибор берилади. Аниқ мисоллар бўлмаса ўрганилаётган ҳодисаларни назарий жиҳатдан тушуниш

4. Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси. Ўқув дастурларида назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси биринчи навбатда, энг аввало, илмий билимларнинг ҳаётда, ишлаб чиқариш амалиётида тутган ўрнини кўрсатиб беради.

5. Ўқув дастури икки усул билан: кетма-кет (мунтазам) ва концентрик (марказлашган) тарзда жойлаштирилиши мумкин. Кетма-кет жойлаштирилганда ўқув материалининг ҳар бир кейинги қисми аввалги қисмининг давоми бўлса, ҳар бир қисмдаги материалнинг мазмуни талабалар учун тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда тўла ёритилади.

Дастурнинг марказлашган тузилишида мазкур фанга тегишли ўқув материали ўқитишнинг кейинги босқичларида мураккаблашган кўринишда такрорланади.

Таълим муассасаси ўқув дастурининг тузилиши уч бўлимдан иборат бўлиб,

Биринчи бўлимда мазкур дастурга амал қилиш юзасидан йўл-йўриқлар – қисқача уқтириш хати;

Иккинчи бўлимда – ўқув материалининг мазмуни;

Учинчи бўлимда эса талабаларнинг қўшимча равишда ўрганишлари лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Таянч сўз ва иборалар: таълим мазмуни, билим, кўникма, малака, таълим тамойиллари, ўқув режаси, ўқув дастури.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. В.С. Леднев. Содержания образования. – М. 1989.
2. Н.Н. Азизхўжаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т. 2003, 174 б.
3. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика. Маърузалар матни. Тошкент. 2000. 163 б.
4. Б.Т. Лихачев. Педагогика. Курс лекций / Учебное пособие для студентов педагог. Учеб. Заведений и слушателей ИПК и ФПК. – 4-е изд. перераб. и доп. – М. Юрайт, 2000 – 523 с.
5. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси Т.: Ўқитувчи . 1992.
6. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. Педагогика. 100 экзаменационнкх ответов. Экспесс-справочник для студентов вузов. – Ростов н/Д: издательский центр «МарТ», 2002 – 256 с.
7. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

6-МАЪРУЗА: МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Таълим методлари
2. Таълим модели
3. Таълимнинг анъанавий методлари
4. Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш усуллари ҳамда ўқув материални назарий ва амалий жихатдан йўналтириш йўллари аниқланади.

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолияти усули бўлса, **таълим методикаси** – муайян ўқув предметидаги ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифода қилади.

Ўқитиш методи ўқитиш жараёнида ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини ечишга йўналтирилган таълим берувчи ва таълим олувчининг тартибли бир-бирига боғланган фаолиятини аниқланади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фаолиятнинг тегишли методларисиз таълимнинг мақсад ва вазифаларини ўқув материалининг муайян мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштиришга эришиб бўлмайди.

Таълим модели – таълим жараёни тузилмасидир. Таълим моделлари икки турга ажратилади:

- *Анъанавий таълим моделлари*

- *Ноанъанавий таълим моделлари*

Ноанъанавий таълим моделларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- *Хамкорликда ўрганиш*
- *Моделлаштириш*
- *Тадқиқот*

Анъанавий дарс муайян муддатга мўлжалланган таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган мавзуга кириш ёритиш, муҳокама қилиш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий таълим методлари:

- *маъруза, хикоя, тушунтириш, лаборатория, суҳбат, машқ, амалий*
- *тўрт погонали методлар киради*

Ноанъанавий таълим методлари:

- *Кичик методларда ишлаш методи;*
- *Бахс мунозара методи;*
- *Давра суҳбати методи;*
- *Ишбоб ўйин;*
- *Лойихалаш;*
- *Йўналтирувчи матн;*
- *Муаммоли вазият;*
- *Ақлий хужум;*
- *Ролли ўйин.*

Анъанавий таълим методлари:

Маъруза – катта хажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу методнинг асосий вазифаси – таълим бериш, ўргатиш. Белгилари:

- қатъий тузилмага эга;
- нутқий-мантикий баён қилиш;
- берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар ўқитувчиларга ўқувчилар тажрибасизлик туфайли эътибор бермайдиган фаннинг муҳим лаҳзаларини ажратиш кўрсатиш имконини беради.

Ўқувчилар билан ўқитувчининг биргаликдаги ушбу фаолиятини ташкил этишнинг самарали шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишда мантикий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар-машғулотлари ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

Маъруза методидан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилади.

Маъруза методининг афзалликлари:

- аниқ илмий билимларга таянади;
- вақтдан унумли фойдаланилади;
- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳикоя – унча катта бўлмаган, таърифловчи характерга эга бўлган ўқув материални монологик ҳикоя қилувчи, хабар берувчи баён.

Тушунтириш – баён қилинаётган турли ҳолатларни таҳлил қилиш, тушунтириш изоҳ бериш ва исботлаш ёрдамида ўқув материални баён қилиш.

Тўрт погонали метод – амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт погонаси дорасида кечадиган методдир. Бу метод қуйидаги босқичлардан иборат:

- *Тушунтириш;*
- *Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;*
- *Кўрсатилган тарзда қайтариш;*

- *Машиқ қилиш.*

Тўрт погонали методнинг асосий белгиси – ўқувчиларнинг ҳаракатлари ўқитувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланганлигидир.

Лаборатория усули – бу усулда таълим оловчи таълим берувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказди ёки амалий вазифаларни бажаради ва шу жараёнда янги билимларни англайди, тушуниб етади.

Машиқ – ўқитиш услуги бўлиб, ўтилган материални амалиётда қўллаш мақсадида, режа билан ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир.

Сухбат – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол жавоб усули.

Мунозара – фаол таълим услуги бўлиб, муҳокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

Ақлий ҳужум (брейнсторминг) – ғояларни генерация қилиш усули бўлиб, бунда қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар, уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация қиладилар).

Намойиш – таълим оловчиларни табиий ҳолатда ходисалар, жараёнлар, объектлар билан кўргазмали таништириш қаратилган. Бу метод таълим берувчи томонидан баён қилинаётган илмий, назарий билимларни таълим оловчилар томонидан пухта ўзлаштириш учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон берувчи методдир.

Иллюстрация – ходиса, нарсаси жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, ясси моделлар ёрдамида кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди.

Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, мультимедия, электрон китоб, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютердан фойдаланилади.

Китоб билан ишлаш методи китоб устида ишлаш, олинган билимларни хотирада қайта тиклаш, билимларни сақлашга қаратилган методдир.

Китоб билан ишлашнинг Инсерт методи таълим олувчига янги ахборотни номаълум ёки тушунарсиз, ёки эътироз билдириш лозим бўлганларга ажратиб, баҳолаш имконини беради. Ўқиш жараёнида ўқув материалининг ҳар бир сатр боши ёки қисмининг мазмуни баҳоланиб, хулоса варақнинг чап томонига қалам билан махсус белги қўйиб борилади.

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгиларнинг интерактив тизим.

Технологик харита - жараённинг қадамма-қадам, боқичма-босқич, изчиллик билан кўпинча график усулда қўлланиладиган воситаларни кўрсатиб берган ҳолда тасвирлаш.

Таълим – тарбия жараёнининг сифат самарадорлигини ошириш кўп жихатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлик билан боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари олти турга бўлинади:

- *Матнли воситалар*
- *Тасвирли воситалар*
- *Аудио воситалар*
- *Моделли воситалар*
- *Ёрдамчи жихоз воситалар*
- *Реал воситалар*

Матнли-маълумот олиш ва маълумотни қайта ишлаш учун:

- *Ўқув дастурлари*
- *Махсус адабиёт*
- *Тарқатма материал*
- *Имтихон ва назорат варақлари*

Тасвирли – умумий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- *Фотосуратлар*
- *Эскиз чизма, схемалар*

- *Рамзий тасвирлар, режа жадваллар, символлар*
- *Диаграмма ва графиклар*

Аудио – жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввурларни вужудга келтириш:

- *Видео фильмлар*
- *Компакт дисклар*
- *Аудиокассеталар*

Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш учун ёрдамчи жихозлар:

- *Доскалар (оқ доска, магнит доскаси);*
- *Пинборд доскаси;*
- *Видео проектор, видеопроектор доскаси;*
- *Кодоскоп;*
- *Видеомагнитофон, камера;*
- *Компьютер;*
- *Флипчарт.*

Моделли – ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақда тасаввур ҳосил қилиш:

- *Моделлар*
- *Макетлар*

Реал – ўрганилаётган объектлар ҳақида тасаввурни вужудга келтириш:

- *Асбоб ускуналар*
- *Станоклар*
- *Ярим тайёр маҳсулотлар*

Жаҳон педагогикасида ўқитиш методларининг турли функцияларига ва принципларига қараб турлича синфлашган аниқ бўлишга ёндошиш тамойилларига асосланиб ўқитиш методларининг барчасини бир неча гуруҳга бўлиш мумкинлиги эътироф этилади, лекин ўқитиш методлари қатор

қарашларга эга ва турли нуқтаи - назарларда қурилиши мумкин. Табиийки уларни синфлашда турли хил ёндашишга олиб келади.

С.И. Перовский Е.Я. Голандлар ўқитиш методларини ахборотни қабул қилиш таснифи ва узатиш манбаи бўйича оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга бўлганлар.

М.Н. Скоткин, И.Я. Лайнерлар таълим таркибини ўзлаштириш бўйича таълим олувчиларнинг тушуниш фаолияти таснифига мос равишда қуйидаги методларга ажратадилар: кўргазмали – тушунтириш, (ахборот-рецептив), репродуктив, муаммоли ёритиш, қисмли изланувчан ёки эвристик ва тадқиқотли.

М.И. Махмутов таълим методларини ўқитиш методларига мос равишда синфлашни таклиф қилган, яъни ахборот-муаммоли ва ижро этувчи, тушунтириш ва репродуктив, амалий-кўрсатмали ва продуктив-амалий, ундовчан-тушунтириш ва қисмли изланувчан.

Н.М. Верзилин, А.Н. Алексюк, И.Д. Зверевлар ўқитиш методларини синфлашда билим манбаи бўйича ва мантиқий исбот билан бир вақтда таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти мустақиллик даражаси ва билимлар манбаи бўйича ёндошишни кўпроқ қўллашни таклиф қилганлар.

С.Г. Шоповаленко ўқитиш методларини тўрт томонлама қуриш орқали синфлашни таклиф қилган бу қуйидагича:

Мантиқий-таркибий; манбали; жараёنли ва уюшган-бошқармали.

Умумий ўқитиш амалиётида кўп тарқалган камчиликлар сифатида атоқли рус педагоги Н.В. Кухарев Н.В. қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

- Умумий ўқитиш амалиётини бир хиллиги уларни тузилишини мутлоқлиги;
- Дарс таркибидан озроқ четга чиқа олмаслик, таълим олувчиларнинг эътиборини йўқлиги;
- Фронтал ишларнинг индивидуал ишлар билан номуносив қўшилиб кетиши;
- Таълим олувчини саволига таълим берувчининг ва олувчиларнинг

эътиборсизлиги;

- Таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини кадрламаслик ёки ўта кадрлаш;
- Кучли таълим олувчилар савол жавоблари мисолида заиф таълим олувчиларни ўқита олмаслик;
- Таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш ўрнига ташқи кўринишларини фаоллаштириш;
- Дарсда вақтни рационал тақсимламаслик. Савол жавобларни чўзиш, янги материални баён этишда ва мустахкамлашда вақтни қисқартириш;
- Уй вазифасини бажаришда ва дарсда мустақил ишларга кўникмалар ҳосил қилишда чала ва лоқайдлик билан ўқитиш.
- Рационал тақсимланмаган ўқитиш методларини танлаш, янги муҳитни ҳисобга олмай бировнинг малакасини кўчириб олиш.

Атоқли рус педагогларидан бири Ушинский ўқитишни юқори сифатини таъминлаш учун таълим олувчиларни самарали меҳнат тизимларига жалб этишда ва бунда таълим олувчилар ва таълим берувчини ортиқча юкламалардан олиб қочиш, бундай ходисага йўл қўймаслик, уларни фаолиятини баҳолашда баҳо йиғишга ва формаллаштиришни олдини олиш, бунинг учун бутун анъанавий дарсларни ва уни таркибий тузилишини қайта кўриш лозимгини таъкидлаб ўтган. Атоқли педагог Ушинский айтганидек, ҳар бир таълим олувчи ўқишга ўрганиши лозим.

Ҳар бир таълим олувчини китобдан билимни қидириб олишга, матндан, таълим берувчидан ва ўз дўстларидан олган мустақил қайта ишланган билиминини тўғри, тартибли, ифодали ва қизиқарли баён этишга ўргатиш катта масаладир. Дарсда ҳар бир таълим олувчи нафақат билимларни китоблардан ёки бошқа одамлардан олиши, мустақил қайта ишлашни ўрганиши, балки бу билимларни турли воқеа, ходиса ва турли мақсадларда қўлай олишни ўрганиши лозим, чунки бу билимлар ҳақиқатда мустахкам, эгилувчан, тўғри, керагича тўлиқ тизимли бўлиши керак ва амалий йўналишга эга бўлмоғи шарт.

Муаммоли ўқитиш мутахасислари бўлмиш М.Н. Скаткин ва И.Я. Лернерлар томонидан таклиф қилинган ўқитиш методлари ўқитиш жараёнини ташкилий шакллари тўлиқ қисмларга боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган билиш жараёнининг қатор босқичларни тасвирлаб беради:

1. Ахборот – рецептив метод. Бу методдан бошлаб дарсда билиш жараёни бошланади. Таълим берувчи ахборотни беради, таълим олувчилар уни қабул қиладилар, эслаб қоладилар, фикр юритадилар, эслаб қоладилар. Ахборотни бошланғич манбаи китоб, ўқув қўлланма, кўргазма қўлланмали қурол ва воситалар хизмат қилиши мумкин.
2. Репродуктив метод – таълим берувчи саволи ёки топшириғи асосида ўрганилаётган материални таълим олувчилар қайта ишлайдилар. У билан улар таълим берувчи баёни орқали ёки китоб, ўқув қўлланма ёрдамига таянадилар.
3. Муаммоли баён методи – таълим берувчи муаммо танлайди, ўзи ечади лекин бунда унинг ечими йўл кўрсатади. Бироқ зиддиятларни таълим олувчиларга тушунарли қилиб беради. Ечиш йўлидаги ҳаракатларни яъни қандай фикр юритишни очиб беради. Бу методни вазифаси шундан иборатки таълим берувчи илмий билиш намуналарини муаммони илмий ечишни “билим эмбриологияси”ни кўрсатади. Таълим олувчилар бу ҳаракатларни ишончлилигини назорат қиладилар, уни мантиғини фикрий кузатишади, бутун муаммони ечиш босқичларини ўзлаштирадилар.
4. Қисман изланувчан ёки эвристик метод ижодий фаолиятни қисмлаб ўзлаштириш малакаси муаммоли топшириқларни ечишни алоҳида босқичларини эгаллаш таълим олувчиларни бутун масалани ечишга ўргатиш учун, уларни ҳар бир ечим босқичларини мустақил бажаришга ўқитиш зарур бўлади.

Бир ҳолатда – муаммони кўриш, ҳужжатларга тасвирланган исбот ёки ходисага расмга саволлар қўйишни таклиф қилиш, бошқасида – исбот тузиш,

учинчидан кўрсатилаётган далиллардан хулосалар чиқариш, тўртинчидан таҳлилларни айтиб бериш, бешинчидан ечимни текшириш режасини тузиш.

5. Тадқиқотчилик методи ижодий фаолиятнинг асосий ўқитиш методи бўлиб ҳисобланади.

Бу метод унинг оддий вариантларида ҳам муаммоли масалани тўлиқ ечишда унинг керакли босқичларидан мустақил ўтишда таълим олувчидан махсус тайёргарликни талаб этади.

Ленинград ҳозирги Санкт-Петербургда 1978 йил илмий конференцияда ўқитиш методлари таълим берувчи ва таълим олувчининг бир-бирига боғланган фаолиятининг тартибланган усули сифатида аниқланган. Бу ерда фаолият тартибсиз эмас, балки уюштирилган, тартибланган ўқитиш методлари ва шакллари ҳозирги замон дидактикаси ва фан дидактикасининг барчасида координал сонга кирувчи асосий муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммолар ҳозиргача эмперик ҳамма томонлама ечилган барча ўз малакасидан келиб чиққан ёки бировни малакасини кўчирган.

Ўқитиш методи – бу ўқитишни уюштирилган тузилмасини ҳамда тўлиқ олинган ўқитиш жараёнини ўз ичига олган тузилма.

Ўқитиш методлари – бу ўқитиш жараёнини уюштирилган ҳаракатдаги ва ишдаги тузилмаси. А.Ф. Осборн томонидан “Фикрий хужум” методи тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шарти машғулот бахсининг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъкидлаш ҳар қандай лўқма ва ҳазилни рағбатлантиришдан иборатдир.

Ж. Дональдс Филипс томонидан “Ялпи фикрий хужум” методи ишлаб чиқилган бўлиб, уни ҳар бир 20-60 нафар таълим олувчига қўллаш мумкин.

Дарс – ҳозирги замон ўқув – тарбия жараёнида таълим мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли ҳисобланади. Ўтказилган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириш учун жавоб бериш керак. Айрим олинган бирон-бир дарс предмет календар дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс тиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар алоҳида

аниқланиши лозим. Шу билан бирга мазкур дарс давомида билим, малака ва кўникмаларнинг эришиладиган даражаси ҳам белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсда ишлатиладиган методлар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири – бериладиган ўқув материали системали равишда осондан-қийинга, оддийдан-мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Дарсга қўйиладиган таъликий талаблар:

- Календар режалаштириш асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши;
- дарснинг ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши;
- дарснинг мантикий изчиллиги, тугалланганлиги;
- дарсда ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқув-техник, компьютер техникасидан, кўргазмалар қуроллардан фойдаланишни кўзда тутиш.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усуллари ва методларига, ўқувчиларнинг тайёрланиш ҳамда ривожланиш даражасига, ўқув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Мустақил таълим мазмуни. Мустақил таълим талабалар учун мажбурий ўқув машғулоти ҳисобланади ва режали характер касб этади. Мустақил таълим мавзуси талабалар мустақил ўрганадиган маъруза ва амалий машғулотлардан берилади. Мустақил таълим талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, мавзуларни тушуниш қobiliятини максимал даражада ривожлантиришга, умумий дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўрганиш давомида талабалар таълим мазмунини таҳлил қилиш, уларда педагогик фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, фанлардан ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, таълим методларини ривожлантириш муаммоларини мустақил ўрганишга олиб келади.

Мустақил таълим сифатида тавсия этиладиган мавзулардан намуналар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши, унинг мақсади ва моҳияти
2. “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”да кўзда тутилган мақсад ва вазифалар
3. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар
4. Олий таълим тизимида мустақил ишларни ташкил этиш

Таянч сўз ва иборалар: таълим методлари, таълим модели, анъанавий таълим методлари, таълим воситалари, мустақил таълим, дарснинг дидактик талаблари, муаммоли дарс, дарснинг ташкилий талаблари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

Таълим методлари деганда нимани тушунасиш?

1. Таълим модели нима?
2. Олий таълим тизимида таълимнинг қандай шакллари қўлланилади?
3. Таълим воситаларига нималар киради?
4. Дарсга қандай дидактик ва ташкилий талаблар қўйилади?

5. Мустақил таълим мазмуни нималардан иборат?

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Ўзбекистон. Тошкент, 1997. - 62 б.
3. Н.Н. Азизхўжаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. - Т. 2003, 174 б.
4. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика. Маърузалар матни. Тошкент. 2000. 163 б.
5. Б.Т. Лихачев. Педагогика. Курс лекций / Учебное пособие для студентов педагог. Учеб. Заведений и слушателей ИПК и ФПК. – 4-е изд. перераб. и доп. – М. Юрайт, 2000 – 523 с.
6. ТолиповУ., Баракаев М., Шарипов Ш.С. Касбий педагогика. Т.-2001й
7. Организационные формы обучения / Под ред.Ю.А. Малеванного. Киев, 1991 г.
8. Педагогика: Учеб./И.Ф. Харламов. – 7-е изд. – Мн.: Университетское, 2002. – 560 с.

7-МАЪРУЗА. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Таълим ислохотлари жараёнида амалга ошириладиган тадбир ўзига хос илмий асосларни ва ишланмаларни талаб этади. Табиийки, ислохотларнинг натижасида рўёбга чиқадиган таълим тизими шахсий ва касбий билимлари сифат жиҳатида янги босқичга кўтарилган мутахассисларни талаб этади. Бу борада қўйиладиган асосий педагогик талаб юқори даражада ривож топган ижодий имкониятларга эга бўлиш, таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг мураккаб масалаларини ҳал эта олиш, ўз меҳнати билан жамият тараққиётига ижобий таъсир эта олиш зарурати билан белгиланади. Юзага келувчи турли педагогик вазиятларни таҳлил эта олиш, демократик фуқаролик жамиятини қуриш йўлида доимий равишда янгиланиб бораётган шароитда тегишли метод ва воситалар мажмуасини тўғри танлай олиш мустақил юртимиз мутахассис кадрларининг ажралмас фазилати бўлиб қолиши лозим.

Бундан келиб чиққан ҳолда илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси курсининг мақсади бўлажак мутахассисларда педагогика муаммоларини тадқиқ қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат этиб белгиланган.

Педагогика фанининг тармоғи сифатида илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси қуйидаги асосий вазифаларни бажаришга қаратилади:

- Касбий таълимнинг педагогик муаммоларини асослаш, уларни ҳал қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш;
- магистрант талабаларни педагогик тадқиқотлар методологиясини тўғри танлашга ўргатиш;
- педагогик тадқиқотлар вазифаларига мос келувчи тадқиқотлар методлари мажмуасини шакллантириш тамойилларини асослаш;

- назарий тадқиқотлар ва амалий тажриба-синов ишларини ўтказиш методикасини тузиш кўникмаларини шакллантириш;
- бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик ва ахборот технологияларини асослаш.

Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси талабаларга педагогик тадқиқотларни амалга оширишга оид чуқур назарий билимлар беришга йўналтирилган.

Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

а) билиши керак:

- илмий-педагогик ижодиёт методологиясини;
- касбий таълимнинг педагогик муаммоларини асослаш, уларни ҳал қилишнинг асосий йўналишларини белгилай олишни;
- илмий-педагогик тадқиқотларни ташкиллаштиришнинг турли усул ва шакллари;
- педагогика ва психология фанларини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдаги асосий қонуниятларни;
- тадқиқотларни амалга оширишда техник воситалар ва компьютер техникасини қўллашни.

б) бажариши лозим:

- илмий-педагогик изланишларни амалга оширишни;

- илмий-педагогик тадқиқотлар методологиясини тўғри танлай олишни;
- педагогик тадқиқотлар режаларини ишлаб чиқа олишни;
- битирув-малакавий ишларига раҳбарлик қилишни;
- назарий тадқиқотлар ва амалий тажриба-синов ишларини ўтказиш методикасини туза олишни.

в) тасаввурга эга бўлиши керак:

- педагогиканинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш методлари ҳақида;
- хорижий давлатларда илмий-тадқиқотларни амалга ошириш тажрибалари ҳақида;
- педагогик тадқиқотлар вазифаларига мос келувчи тадқиқотлар методлари мажмуасини шакллантириш тамойиллари ҳақида.

Илмий-педагогик тадқиқотлар методологиясини ўрганиш жараёнида ўқитишнинг қўйидаги янги технологиялари қўлланилади: муаммоли маърузалар ўтказиш, интерфаол методлар, баҳс ва дебат дарслари, муаммоли вазиятларни қўллаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Бўлажак мутахассисларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришда талабаларнинг ташкиллаштирилган ва тизимга солинган (системалаштирилган) илмий-тадқиқот ишларида қатнашиши муҳим аҳамият касб этади. Талаба олий таълим муассасасига қабул қилинганлигининг биринчи давриданок жиддий тадқиқот ишларига жалб этилиши, илм-фан янгиликларидан хабардор бўлиб туришига эришилиши керак ва бу жуда муҳимдир. Ишнинг бу таҳлитда йўлга қўйилиши талабаларда уларнинг

илмий ишлари натижалари, келажакдаги тадқиқотлари жамият тараққиёти учун ҳақиқатда ҳам аҳамиятли эканлигини ҳис этишларига замин яратади.

Баён қилинган фикрлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, фаннинг бугунги кундаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бўлажак мутахассисларда изланувчанлик, тадқиқотчилик фаолиятига, ўз касбий фаолиятида юзага келувчи муаммоларни ижодий ҳал этишга тайёрлаш;

- бўлажак касбий фаолиятида ўзлаштирган назарий билим, кўникма ҳамда малакаларини амалий қўллай олиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш;

- талабаларни турли мутахассислик фанларидан ўзлаштирган билимлари асосида ушбу фанларнинг фундаментал, илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш ҳамда ривожлантиришлари учун тайёрлаб бориш;

- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган адабий босма ҳамда электрон манбалар билан ишлашга хизмат қилувчи ахборот маданиятини, компьютер техникаси билан ишлаш малакасини мақсадли ривожлантириш;

- турли шаклларда ташкил этиладиган жамоаларнинг илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларини шакллантириш.

Таянч сўз ва иборалар: педагогик талаб, илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси, педагогика муаммолари, назарий тадқиқотлар, амалий тажриба-синов ишлари, назарий билимлар, педагогик тадқиқотлар режаси, педагогиканинг назарий ва амалий муаммолари, фанларнинг илмий ва амалий жиҳатлари.

Мавзу юзасидан назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илм-фаннинг тутган ўрни.
2. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологиясининг мақсади нимадан иборат?
3. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси қайси асосий вазифалари амалга оширишга қаратилган?
4. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси бўйича талабалар билимига қандай талаблар қўйилади?
5. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологиясининг бугунги кундаги асосий вазифалари нималардан иборат?

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Ўзбекистон. Тошкент, 1997. - 62 б.
2. Н.Н. Азизхўжаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т. 2003, 174 б.
3. Н. Ғайбуллаев ва бошқалар. Педагогика. Маърузалар матни. Тошкент. 2000. 163 б.
4. Б.Т. Лихачев. Педагогика. Курс лекций / Учебное пособие для студентов педагог. Учеб. Заведений и слушателей ИПК и ФПК. – 4-е изд. перераб. и доп. – М. Юрайт, 2000 – 523 с.
5. Толипов У., Баракаев М., Шарипов Ш.С. Касбий педагогика. Т.-2001й
6. Педагогика: Учеб./И.Ф. Харламов. – 7-е изд. – Мн.: Университетское, 2002. – 560 с.
7. Буянов В.С. Научное мировоззрение: социально-философский аспект. М., 1987.

8- МАЪРУЗА: МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИДАН МУММОЛИ

ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Махсус фан ўқитувчиси янги билимларни шакллантириш жараёнида доимо таянч билимларга асосланади ва уларни фаоллаштириш мақсадида ўқув материални такрорлайди ва у кўпинча муаммоли ўсишни қўллайди. Бу усулга кўра билимларни ўзлаштириш ҳамда малака ва маҳоратни шакллантириш талабаларнинг мустақил ва амалий фаолияти орқали амалга оширилади. Талабалар эслаб қолиш учун тайёр билимларни олибгина қолмай, балки мазкур билимларни мустақил равишда эгаллашни ҳам ўрганадилар. Талабалар ақлий фаолиятининг синчковлик, чиқарилган хулосаларни исбот қила олишлик ҳамда уларнинг тўғрилигига далиллар келтира билишлик сингари муаммоли таълим бериш усули талабаларни фаоллаштиришнинг муҳим шаклидир.

Муаммоли таълим беришнинг асосий элементлари:

- *Муаммоли вазиятларни юзага келтириш;*
- *Муаммоли вазиятларни юзага келтириш усуллари излаш;*
- *Муаммони ҳал этиш жараёни ва хулосаларнинг тўғрилигини амалий жиҳатдан текшириш.*

Талабаларнинг олдига уларда қизиқиш ва уни ҳал этишга ҳавас уйғотадиган вазифа қўйилади, бироқ уларнинг билим ва тажрибалари етарли эмаслиги маълум бўлади, яъни муайян мушкуллик юзага келади. Талабалар вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлини излашга ички эҳтиёжни ҳис этадилар. Мушкул аҳволни ҳис этиш вазиятни таҳлил қилишга, изланишга ундайди. Билишга оид ёки амалий вазифа билан жадал фикрлаш фаолиятига сабаб бўлувчи талабаларнинг билиш даражаси ўртасида қарама-қаршилиқ вужудга келади.

Ўқитишнинг муаммоли усулини уч босқичга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1-босқич. Қўйилган муаммони ўқитувчининг ўзи ҳал этади, чунки мустақил равишда ҳал этиш учун талабаларда ҳали билим ҳам, малака ҳам йўқ.

2-босқич. Муаммони ҳал этишга талабалар жалб этилади. Улар ечимнинг баъзи элементларини мустақил равишда бажарадилар.

3-босқич. Бутун вазифа ёки муаммони ўқитувчи раҳбарлигида талабалар ҳал этади.

Таълим бериш жараёнида талабаларни фаоллаштириш муҳим шаклдир. Унинг асосий элементлари – муаммоли вазиятларни юзага келтириш.

Ўқитувчи мазкур муоммони талабалар билан биргаликда ҳал этган ҳолда талабаларни янги ахборот оламига олиб киради. Муаммоли вазиятларнинг ишлаб чиқилган изчиллиги ўзига хос дарс режасини ифодалайди. Ўқитувчи муаммоли масалаларни ва бутун бир муаммони ҳал этиш учун ахборотни саралйади. Сўнгра муаммоли вазиятлар ўртасидаги ўзаро алоқани пухта ўйлаб кўриб, диққат-эътиборни ана шу алоқаларга алоҳида жалб қилиши зарур. Ушбу дарсга ўқитувчини тайёрлашнинг навбатдаги босқичи муаммоли вазиятларни шакллантириш учун керак бўлагн кўргазмали қуролларни танлашдан иборат. Сўнгги босқич эса талабаларнинг мустақил ишлашлари учун топшириқларни пухталиқ билан тайёрлашдан иборатдир.

Ҳар бир дарснинг суръати ва тузилиши шундай бўлиши лозимки, бунда талаба дарс мазмунини қисқача ёзиб олишга улгуришлари керак.

Муаммоли вазиятни аниқлаш (ифодалаш)	Юзага келтирилган вазият талаб қилинаётган нарсани аниқ ифодалаб берадими? Муаммони ҳал этиш учун нималар маълум? Нимани топиш талаб этилади? Муаммони ҳал этиш учун маълумотлар етарлими? Муаммони ҳал этиш учун яна нима талаб этилади? Муаммони соддароқ ифодаласа бўладими? Илгари шунга ўхшаш муаммоли вазиятни ҳал этганмисиз?
--------------------------------------	--

Муаммоли таълим бериш элементлари асосида тузилган дарсда ҳам одатдаги дарслардаги каби дарсда ҳал этилаётган муаммога мувофиқ келадиган кинояли мулоҳаза ҳамда ҳазилларга йўл қўйилади. Бироқ буларнинг ҳаммаси меъёрида бўлиши ва уларни моҳирлик билан ўз ўрнида қўллай билиш керак.

Муаммоли дарсни ташкил этиш ва ўтказишни қуйидаги маълум бир мавзу бўйича кўриб чиқамиз.

Мавзу: *Қанд ва бижгиш маҳсулотлари технологияси фанидан “Донли маҳсулотлардан этил спирти ишлаб чиқариш” мавзусида муаммоли дарсни ташкил этиш ва ўтказиш*

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларни ҳар хил вазиятларга дуч келиб қолган вақтларда ҳеч қандай қийинчиликсиз бу муаммолардан чиқиш йўлларини ўргатиш, уларнинг ўз фикрларини тўғри ҳал қилишга, ўз устида ишлашга ўргатиш ва ундаш.

Тарбиявий мақсади:

Талабаларда мустақил фикрлаш тафаккурини шакллантириш.

Ривожлантирувчи мақсади:

Талабаларни махсус фанлардан амалий машғулотларни, муаммоли вазиятларни, масала ва топшириқларни онгли равишда ечишга ўргатиш.

Машғулот тури: амалий

Ўқитиш методлари: амалий

Ажратилган вақт: 2 соат

Асосий масалалар:

1. Муаммоли вазиятларни мақсали ва вазифаси
2. Муаммоли вазият турлари
3. Муаммоли машғулотларнинг тарбиявий аҳамияти
4. Муаммоли вазиятларни тузиш ва таҳлил қилиш

Машғулотни жиҳозлаш:

Адабиётлар, спирт ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари схемаси, 2-мелассадан спирт ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичлар схемаси, спирт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёлар жадвали.

Машғулотни ўтказиш бўйича методик кўрсатма

Талабаларга муаммоли вазиятлар берилади. 10-15 дақиқа вақт берилиб, уларнинг тайёргарлик кўришлари ҳамда саволларга тўғри, аниқ жавоблар танлаш, фикрни мужассамлаштиришни текширилади. Талабалар ҳар хил йўллар билан шу муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўйлайдилар. Шу билан бирга ўзлари дарс давомида муаммоли вазиятлар, масалалар, муаммолар тузадилар ва шулар орқали берилганлигига қараб балли тизимида баҳоланадилар. Бу усулдан фойдаланишда материални ўзлаштириш талаба тафаккурининг натижаси бўлади. Аммо ўқитувчи шуни эсда тутиши керакки, талабалар ўзларича ҳамма нарсани кашф этишга ва ўрганиб олишга қодир эмаслар. Улар ўқитувчи раҳбарлигида хулосалар чиқаради ва қоидаларни таърифлайди. Шу сабабли муаммоли методлардан фойдаланишда ҳам ўқитувчининг тушунтириши ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ўйга топшириқ

Ҳар бир талаба 1-2 тадан муаммоли топшириқлар тузиб келиш.

Машғулот мавзуларининг қисқача мазмуни

1 – муаммоли вазият

Сизга маълумки, спирт ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари – крахмални қандли моддаларга айлантириш ва қандни этил спиртига айлантиришда биологик катализаторлар орқали амалга оширилади.

Биологик катализатор деганда нимани тушунасиз ва улар ҳақида нималарни биласиз? Биологик катализаторлар ўрнига кимёвий катализаторларни қўлласак бўлмайдами? Бу хусусда ўз фикрингизни асослаб, исбот қилиб беринг.

2– муаммоли вазият

Этил спирти кучли спиртли ичимликлар тайёрлашда асосий ашё ҳисобланади. Маълумки, кўп миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун хатарли ва жуда зарарли. Сиз қандай ўйлайсиз, анча

мураккаб технологик жараёнлар орқали олинадиган этил спирти шунчалик зарарлими? Сизнинг фикрингизча этил спиртининг қандай фойдали томонлари бор, уни яна қайси саноатда ишлатилиши мумкин? Фикрингизни асослаб беринг.

3– муаммоли вазият

Спирт ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнлари хужайра структурасини бузиш ва крахмални эритиш мақсадида дон ва картофел хом ашёсини сув билан пишириш, пиширилган массани совутиш ва крахмални ундирилган дон сути ёки замбуруг ферментлари орқали қандли моддаларга айлантириш, қандли моддани ачитқи ёрдамида спиртга айлантириш, спиртни хайдаш ва ректификациялаш каби бир қанча мураккаб жараёнлардан иборат. Мазкур жараёнларни қисқартирсак, ёки, бир ёки бир неча жараённи биргаликда ташкил қилиб ишлаб чиқариш жараёнини соддалаштирсак, иқтисодий томондан катта миқдорда самарадорликка эга бўламиз. Шунини амалга оширса бўладими ёки йўқми? Нима учун? Фикрингизни асослаб, исботлаб беринг.

Таянч сўз ва иборалар: муаммоли таълим, муаммоли вазият, ўқитишнинг муаммоли усули босқичлари, фаразлар тузиш, муаммоли вазиятлар таҳлили

Назорат саволлари:

1. Муаммоли таълим беришнинг асосий элементлари.
2. Ўқитишнинг муаммоли усулини босқичлари
3. Муаммоли вазият қандай аниқланади?
4. Муаммоли дарс қандай ташкил этилади?
5. Ўз мутахассислигингиз бўйича муаммоли масала тузиб, муаммоли вазиятни асослаб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ў.М. Асқарова. Педагогикадан амалий машқлар ва масалалар / Ўқув қўлланма. – Т. “Меҳнат”, 2004 й. 110 бет.
2. Б. Қодиров. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари, Т. “Меҳнат”, 2001.
3. Засобина Г.А. ва бошқалар. Педагогикадан амалий машқлар. Т. “Ўқитувчи”, 1998.
4. “Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси” фанидан маърузалар матни. ТошКТИ, 2000, 21-24 бетлар. Тузувчи доц.Сапаева З.
5. З.К. Исмоилова. Педагогикадан амалий машғулотлар . – Т: Фан, 2001. 159 б.
6. Толипов Ў. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари – Тошкент:”Фан”, 2004.